



Мұттағакун алайх бўлган ҳадисда Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шом намозида “Тур” сурасини ўқиётгандарини эшитдим.

Муттағакун алайх бўлган ҳадисда Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шом намозида “Тур” сурасини ўқиётгандарини эшитдим.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Муоз розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқир, сўнг келиб қавмига имом бўлар эди. Бир кечада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан хуфтонни ўқиди, сўнг қавмига келиб намозга ўтди ва “Бақара” сурасини бошлади. Шунда бир киши салом бериб намоздан чиқди ва ўзи ёлғиз ўқиб, чиқиб кетди.



Қавм унга: «Эй фалончи, мунофик бўлдингми?!» деди. У: «Аллоҳга қасамки «Йўқ», мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб бераман», деди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, биз дехқонмиз, куни билан ишлаймиз. Муоз сиз билан хуфтон намозини ўқиб келди, сўнг бизга имом бўлиб “Бақара” сурасини ўқиди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозга қараб: «Эй Муоз, сен бездирувчимисан?! “Ваш шамси ва зуҳаҳа”, “Ваз-зуҳа”, “Вал-лайли иза яғша” ва “Саббихисма роббикал аъла” сураларини ўқисанг бўлмайди?!» дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Баро ибн Озиб розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарда эканларида хуфтон намозини ўқиб, икки ракъатнинг бирида “Ваттийни vaz зайдун” сурасини ўқидилар.

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоздаги қироатлари ҳар хил бўлар эди. Шом намозида қисқа суралардан гоҳида эса узун суралардан ўқир эдилар. Аммо хуфтон намозида Муоз розияллоҳу анхуга қисқа сураларни ўқишига буюриб, узун суралар ўқишидан қайтардилар ўзлари ҳам шундай қиласдилар.



Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Шом намозида қисқа қироат қилиш суннат.
2. Ҳуфтон намозида ўрта суралардан ўқиш суннат.
3. Одамларга оғирлик қиласиган даражада узун қироат қилиш макруҳ.